РАҲИМЖОНОВ Дурбек Обиджонович,
Ўзбекистон халқаро ислом академияси Исломшунослик ва ислом цивилизациясини ўрганиш ICESCO кафедраси доценти, тарих фанлари номзоди

ЎЗБЕКИСТОН ДИНИЙ БАҒРИКЕНГЛИК ВА МИЛЛАТЛАРАРО ТОТУВЛИК ЮРТИ

УЗБЕКИСТАН – СТРАНА РЕЛИГИОЗНОЙ ТОЛЕРАНТНОСТИ И МЕЖНАЦИОНАЛЬНОГО СОГЛАСИЯ

UZBEKISTAN IS A COUNTRY OF RELIGIOUS TOLERANCE AND INTERETHNIC CONSENT

Аннотация. *Ушбу мақолада бугунги кунда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасида фуқароларнинг виждон эркинлигини таъминлаш ва диний соҳадаги давлат сиёсати концепцияси ва унинг тарихий аҳамияти ҳақида сўз боради. Мақолада Ўзбекистондаги диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувлик руҳининг қадимдан мавжуд бўлиб келганлиги далиллар асосида кўрсатиб берилган.*

Калит сўзлар: *диний бағрикенглик, миллатлараро тотувлик, концепция, қонун устуворлиги, мутаассиблик, экстремизм*

Аннотация. *В данной статье рассматривается концепция обеспечения свободы совести граждан и государственной политики в религиозной сфере, принятая сегодня в Республике Узбекистан, и ее историческое значение. В статье приводятся доказательства того, что дух религиозной толерантности и межнационального согласия в Узбекистане существовал с древних времен.*

Ключевые слова: *религиозная толерантность, межэтническое согласие, концепция, верховенство закона, фанатизм, экстремизм.*

Annotation. *This article discusses the concept of ensuring freedom of conscience of citizens and state policy in the religious sphere adopted in the Republic of Uzbekistan today, and its historical significance. The article shows, based on evidence, that the spirit of religious tolerance and interethnic harmony in Uzbekistan has existed since ancient times.*

Keywords: *religious tolerance, interethnic harmony, concept, rule of law, fanaticism, extremism*

КИРИШ

Мамлакатимизда “Ўзбекистон Республикасида фуқароларнинг виждон эркинлигини таъминлаш ва диний соҳадаги давлат сиёсати концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Қонуни бугунги куннинг талабларидан келиб чиққан ҳолда қабул қилинди [2]. Ўзбекистоннинг мустақилик йилларида эришган катта ютуқларидан бири миллий ва диний қадриятларимизнинг халқимизга қайтарилиши бўлди. Аллома аждодларимизнинг ибратли ҳаёти, қолдирган бой илмий-маънавий меросининг тикланиши, уларнинг халқимизга етказилиши, улардан ёш авлодни комил инсонлар қилиб тарбиялаш йўлида фойдаланилиши юртимизда эришилган улкан муваффақиятлардан бўлди.

АСОСИЙ ҚИСМ

Диншуносликда динга функционал ёндашув мавжуд бўлиб, унга кўра дин жамиятда бир қатор вазифаларни бажаради. Улар тартибга солувчилик, бирлаштирувчилик, алоқа боғловчилик ва ҳ.к. Аммо тарихда ҳам бугунги кунда ҳам турли гуруҳ ва оқимлар диндан ўз манфаатлари йўлида фойдаланишга ҳаракат қилганлар ва ҳаракат қилиб келмоқдалар. Бу каби бузғунчилик ҳаракатлари салбий оқибатларининг олдини олиш учун ҳар бир давлат ва мамлакат олдида муҳим вазифалар туради. Айниқса юрт зиёлилари бу вазифани бажаришда масъулдирлар. “Ўзбекистон Республикасида фуқароларнинг виждон эркинлигини таъминлаш ва диний соҳадаги давлат сиёсати концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Қонуни ҳам ушбу хайрли ишни амалга ошириш йўлидаги навбатдаги дадил қадамлардан биридир [3].

Ушбу концепцияда мамлакатнинг ягона қомуси бўлган Конституциянинг 35-моддасидаги ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланиши, ҳар кимнинг хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга эканлиги ҳамда

диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмаслиги давлатнинг динга бўлган муносабатини аниқ белгилаб бериши таъкидланади [1].

Концепцияда Ўзбекистоннинг “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги Қонуни 3 маротаба 3 босқичда янги таҳрирларда тасдиқланганлиги таъкидланиб, мамлакатдаги турли динларга эътиқод қилувчи аҳолининг диний эътиқод масаласида амалга оширишлари мумкин бўлган ҳужжат эканлиги кўрсатиб ўтилган [2].

Концепция бой миллий-тарихий тажриба асосида, умуминсоний қадриятларни ўзида мужассам этган ҳолда ишлаб чиқилган бўлсада, унда Ўзбекистон Республикаси дунёвий давлат эканлиги қайд этилган. Ушбу ҳужжат кўпмиллатли ва кўп конфессияли Ўзбекистонда барқарор муҳитни таъминлашга қаратилган бўлиб, бу жамиятда тинчлик ва тотувликни таъминлаш, Ўзбекистондаги барча миллат вакилларининг ўзаро тотувликда яшаши учун зарур эканлиги ёритилган.

Инсоният тарихида диний қарашлар зўрлаб одамларга сингдирилган ва бу буюк олимларнинг қатағон қилинишига олиб келган ҳолатлар кўп бўлган. Масалан, ҳанбалий мазҳабининг эпоними Аҳмад ибн Ҳанбалнинг 849-йилда Бағдодда халифа Мутаваккил давридаги ҳаётини келтириш мумкин. Унда халифалик томонидан олимлардан “Қуръоннинг яратилганлиги”ни тан олишлари мажбурий амалиёт сифатида белгиланган ва буни қабул қилмаганлар жазоланган [6].

Дунёвий давлатда диний қадриятлар ҳам муҳим рол ўйнайди. Улар Ўзбекистон халқининг маданияти, турмуш тарзи, урф-одатлари, одоб-ахлоқининг шаклланиши ва авлоддан-авлодга ўтишига ҳисса қўшмоқда. Жумладан, ҳар йили Республикамизда “Рамазон ҳайити” ва “Қурбон ҳайити” кенг нишонланиб, бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори қабул қилинади. Бу эса шу кунларда маънавий-ахлоқий қадриятларни мустаҳкамлаш, кексаларга ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш, эҳтиёжманд оилаларни зиёрат қилишга хизмат қилмоқда.

“Дунёвийлик даҳрийлик эмас” деган тамойилда дунёвий давлатда виждон эркинлигига бўлган конституциявий ҳуқуқ тўлиқ рўёбга чиқиши мумкинлиги таъкидланган. Дунёвий давлат диний қадриятлар ва эътиқодларни ҳурмат қилиш ва ҳимоя қилиш, изчил ривожлантириш учун зарур ижтимоий муҳитни яратади.

1991 йилда Ўзбекистон Республикасида мустақилликка эришилиши билан виждон эркинлигини таъминлаш соҳасида меъёрий-ҳуқуқий база шакллантирила бошланди. Шу йили қабул қилинган “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги Қонун Ўзбекистондаги турли динларга эътиқод қилувчилар ҳамда диний ташкилотлар ва давлат ўртасидаги муносабатларни тартибга солишга қаратилди.

Ўзбекистон ўзининг узоқ тарихи мобайнида бағрикенглик ҳукм сурган ўлкадир. Маълумки, бундан бир ярим минг йил аввал Ғарбий Турк хоқонлиги даврида ўндан ортиқ диний конфессиялар ушбу юртда тинч-тотув яшаб келган. Масалан, зардуштийликнинг асл ватани ҳозирги Хоразм эканлиги исботланган. Ўзбекистон жануби бутун дунё бўйлаб буддизмнинг тарқалиши учун муҳим ўтиш жойи бўлиб хизмат қилган, шунинг учун ҳам милодий биринчи асрга оид будда ҳайкалларининг энг кўпи Термиз вилоятидан топилган. Шош воҳасида, ҳозирги Тошкентда ислом дини Марказий Осиёга кириб келгунига қадар насроний жамоалари яшаган, Самарқандда ҳатто христиан митрополити ҳам бўлган.

Шу ўринда “бағрикенглик” атамасининг ўзи ҳақида қисқача тўхталиб ўтиш керак. “Бағрикенглик” – сиёсат ва сиёсатшунослик, социология, фалсафа, илоҳиёт, ижтимоий этика ва қиёсий диншунослик каби ижтимоий ҳаёт ва илмий фаолиятнинг турли соҳаларида кенг қўлланиладиган тушунчадир. Лотинча “толераре”, “чидамоқ”, маъносини билдирувчи сўз, асосан, бир кишининг бошқа бировнинг қарашлари ва дунёқарашига нисбатан сабр-тоқатли муносабатини ифодалаш учун ишлатилади, лекин этимологик таҳлил ҳар доим ҳам унинг асл моҳиятини очиб бера олмайди.

Қиёсий диншунослик нуқтаи назаридан бағрикенглик тушунчасининг бир-биридан мутлақо фарқ қиладиган икки тури мавжуд: расмий, яъни ташқи кўринишдаги бағрикенглик ва ички ижобий бағрикенглик. Расмий бағрикенглик – бу бошқа бировнинг

ISSN 2181-9572

дунёқарашига нисбатан сабр-тоқатнинг оддий ифодасидир ва унинг қарашларига қарши курашмасликни билдиради. Ички бағрикенглик инсондан ўзининг юксак ахлоқий эътиқодига содиқ бўлиши билан бирга, дунё халқларининг бошқа миллий, минтақавий ва диний қадриятлари ҳақида ҳам кенг тушунчага эга бўлишини талаб қилади. Бу шуни англатадики, ижобий бағрикенглик янада кенгроқ, тўғри ва ҳаётий ҳисобланади.

Инсон қайси динга эътиқод қилишидан қатъи назар, худди шундай туйғуларни бошдан кечиради. Буддизмнинг 5 та қоидаси, насронийликнинг 10 та амри ва исломнинг асосий ахлоқи ўртасидаги ўхшашликни мисол сифатида келтиришнинг ўзи кифоя. Демак, динларнинг ҳаммасига хос бўлган ички моҳиятига назар ташлаш ва фақат шу асосда диний ҳаёт ҳодисаларини шарҳлаш зарур бўлади. Бу эса, ўз навбатида, бағрикенглик руҳидаги ёндашувни тақозо этади.

Диний бағрикенглик тушунчаси кўп маъноларга эга. “Бағрикенглик тамойиллари декларацияси”даги “бағрикенглик” сўзи ўзбек тилига “бағрикенглик” деб таржима қилингандан сўнг шу тилда илдиз отган. Рус тилида “веротерпимость” сўзи динга нисбатан “толерантлик” маъносида қўлланилади. Ўзбек тилида “диний бағрикенглик” ибораси бунга адекватдир.

Диний бағрикенглик турли дин вакилларининг улар ўртасида догматик тафовутлар мавжудлигидан қатъи назар тинч-тотув яшашини англатади. Ҳар бир инсон ўз эътиқодига амал қилишда эркин бўлган ҳолда, бошқалар ҳам худди шундай қилиш ҳуқуқига эга эканлигини тан олиш бу бағрикенгликдир.

Диний бағрикенгликнинг антоними сифатида диний муросасизлик пайдо бўлди ва унинг оқибати диний фанатизм ва экстремизмга айланди. 1981-йил 25-ноябрда БМТ Бош Ассамблеяси дин ёки эътиқодга асосланган муросасизлик ва хўрлашнинг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги декларацияни қабул қилди.

Диний экстремизм – жамиятда ўрнатилган тартиб ва қоидаларга тўғри келмайдиган фаолият юритиш, уларга зид “ғоялар”ни тарқатишдир. Масалан, ислом ниқоби остидаги экстремизм ушбу диннинг айрим тушунчаларини нотўғри талқин қилиб, ўз олдига сиёсий мақсадларни қўяди. Бу йўналишдаги гуруҳлар ўзларининг икки хил хусусияти билан ажралиб туради. Биринчидан, улар барча замонавий мусулмон жамиятлари ўзларининг исломий характерини йўқотиб, исломдан олдинги “жоҳилия” даври жамиятларига қайтганлигини даъво қиладилар. Бу ёндашув ҳукумат ва унинг сиёсатини кескин танқид қилиш учун “асос” бўлиб хизмат қилади. Иккинчидан, уларнинг даъволарига кўра, гўёки “исломий тартиб”ни ўрнатиш учун қаттиқ ва тажовузкор ҳаракат қилишлари керак, бу эса “ҳақиқий” мусулмонларнинг ҳокимиятга келиши билан эришилади. Бундай ҳаракатнинг қонунийлиги масаласи улар томонидан умуман кўриб чиқилмайди. Чунки, уларнинг талқинига кўра, гўёки улар фақат “шариат” қонунларига таянадилар.

Афсуски, дин ниқоби остида яшириниб, ғаразли мақсадларига эришишга интилаётган диний экстремизм нафақат ислом ниқоби остида, балки дунёдаги бошқа динлардан ниқоб сифатида фойдаланишга ҳаракат қиладилар. Қонуний ҳукумат ва дунёвий қонунларни умуман тан олмайдиган қатор диний экстремистик оқимлар мавжуд. Уларнинг фикрича, черков давлатдан юқори ва аксинча бўлиши ҳам мумкин эмас. Баъзи диний секталар эса ўз тарафдорларини ўта шафқатсиз диний урф-одатларни бажаришга мажбурлаб, уларни дунёвий мол-мулкдридан бутунлай воз кечиб, таркидунёчилик ҳаёт тарзига чорлайдилар. “Терроризм фақат ислом динидан ниқоб сифатида фойдаланади деб ҳисоблаш мутлақо нотўғридир, – деб ёзади Тошкент ва Марказий Осиё рус православ черкови епархияси раҳбари Владимир, – сиёсий курашнинг бундай жиноий усули қадимдан маълум: император Юлий Цезарнинг қадимги Рим республикачилари томонидан ўлдирилиши қадимий даврдаги террорчилик ҳаракатининг яққол намунасидир” [5]. Ёки экстремал фанатизм турли шаклларда намоён бўлиши мумкин, аммо уларнинг усули бир хил: инсонларда яшаб турган вазиятидан норозилик кайфиятини пайдо қилиш.

Дунё динлари инсонларни бағрикенгликка чақиради. Масалан, ислом дини бошиданоқ ўзини бағрикенг дин эканлигини кўрсатди. Исломда эътиқод эркинлиги аниқ ва очиқ эълон қилинган. Жумладан, Қуръонда: “Динда

мажбурлаш йўқ” (2:256), “...ким хоҳласа иймон келтирсин, ким хоҳласа, кофир бўлсин” (18:29).

Бироқ мумтоз теологик ва ҳуқуқий тафаккур бундай хилма-хилликни қадрлаб, ҳуқуқий талқинлар – суннийликдаги тўрт мазҳаб ва шиаликка эътиқод қилганларни “аҳли қибла” номи билан атаган.

Қуръонга кўра, инсоният тарихининг бошиданоқ маънавий камолот эшиклари очиқ эди. Қуръон одамларнинг эътиқодлари хилма-хиллигини бутунлай Аллоҳнинг иродаси ва мақсадига мувофиқ деб эълон қилади. Бундай хилма-хиллик инсоний бирдамлик, тотувлик ва бир-бирини бойитишга ёрдам бериши керак: “Эй инсонлар, Биз сизларни бир эркак (Одам) ва аёл (Ҳавво)дан яратдик ҳамда бир-бирларингиз билан танишишингиз учун сизларни (турли-туман) халқлар ва қабила (элат)лар қилиб қўйдик” (49:13) [4]; “Эзгулик ва тақво (йўли)да ҳамкорлик қилингиз, гуноҳ ва адоват (йўли)да ҳамкорлик қилманг” (5:2) [4]; (Эй Муҳаммад!) Раббингизнинг йўли (дини)га ҳикмат ва чиройли насиҳат билан даъват этинг! Улар билан энг гўзал услубда мунозара қилинг!... (16:125) [4].

Шунингдек, Библияда айтилишича, Исо ҳар доим одамларни ҳатто гуноҳкорларга нисбатан ҳам раҳм-шафқат ва бағрикенгликка чақирган. Юҳанно Хушхабарида қуйидаги маълумотлар келтирилган:

“Кейин китоб аҳллари ва фарзийлар Исонинг олдига зинокорликда қўлга тушган бир аёлни олиб келишди ва уни ўртага қўйиб, Исога дедилар: “Устоз, бу аёл зинода қўлга олинди ва Мусо қонунда шундай одамларни тошбўрон қилишни буюрган эди: Нима дейсиз? Улар Исони синаш учун, уни айблаш учун нимадир айтишди. Лекин Исо пастга эгилиб, бармоғини ерга қўйиб, уларга эътибор бермай чиза бошлади. Улар ундан сўроқ қилишда давом этганларида, у ўрнидан туриб, уларга деди: “Орангизда ким гуноҳсиз бўлса, аввал унга тош отсин”. Ва яна эгилиб, ерга чизди. Улар [буни] эшитиб, виждонлари билан ҳукм қилиниб, каттасидан то охиргисигача бирин-кетин кета бошладилар. Исо эса ёлғиз қолди, аёл эса ўртада турарди. Исо бошини кўтариб, аёлдан бошқа ҳеч кимни кўрмай, унга деди: “Эй аёл, сени айблаганлар қани? Сени ҳеч ким айбламаганмиди?” “Ҳеч ким”, жавоб берди аёл. Шунда Исо деди: “Боргин ва бундан кейин гуноҳ қилмагин” (Юҳанно 8:10; 3-11) [7].

Юқоридаги мисоллар шуни кўрсатадики, дунё динлари ҳеч қачон турли халқларни ақидапарастликка, нифоқга чақирмаган. Халқаро тотувлик манфаатлари учун ҳар бир шахс, жамоа ва миллат инсоният жамиятининг кўп маданиятли хусусиятини тан олиши ва ҳурмат қилиши зарур. Толерантликсиз демократия ва инсон ҳуқуқлари асосларини мустаҳкамлаш мумкин эмас. Тинчликсиз тараққиёт ва демократия бўлмаганидек, бағрикенгликсиз тинчлик ҳам бўлмайди.

ХУЛОСА

Айни вақтда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасида фуқароларнинг виждон эркинлигини таъминлаш ва диний соҳадаги давлат сиёсати концепцияси” юртимизда азалдан ҳукм суриб келган диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувлик муҳитини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. (Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 01.05.2023 й., 03/23/837/0241-сон) // https://lex.uz/docs/6445145.
2. Ўзбекистон Республикаси Қонуни. (2025). Ўзбекистон Республикасида фуқароларнинг виждон эркинлигини таъминлаш ва диний соҳадаги давлат сиёсати концепцияси. № ЎРҚ:-1037, 25 февраль 2025 // https://lex.uz/docs/7404923.
3. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида. № ЎРҚ-699, 06.07.2021 // https://lex.uz/docs/5491534
4. Қуръони карим маъноларининг таржима ва тафсири / Таржима ва тафсир муаллифи: Абдулазиз Мансур. – Тошкент: Тошкент ислом университети, 2018. – 624 б.
5. Архиепископ Владимир. … А друзей искать на Востоке. – Т.: 2000. – 30 с.
6. Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Сени Аллоҳнинг азобидан қутқариб оламан // https://muslim.uz/oz/e/post/41421-ceni-allohning-azobidan-qutqarib-olaman
7. Библия онлайн // https://bible.by/

ISSN 2181-9572